

Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

№10828-сонли шартнома

Бухоро шаҳри

2022 йил 16 март

Вилоят ҳокимлиги хузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжинииринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «Бухорожамоалойиха» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар З.А. Исаев иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжинииринг компанияси конкурс комиссиясини 14 март 2022 йил 45535-лот протоколига асосан “Бухоро вилояти Коракул туман “Козон” МФЙдаги 19-сонли мактабни реконструкция килиш” обьекти буйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёлларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

- 1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:
- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофик;
 - асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофик;
 - лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофик белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофик равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни келишилган график асосида ўз вактида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чикиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб килиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиги билан – **159610570 (Бир юз эллик туккиз миллион олти юз ун минг беш юз етмиши)** сумни ташкил этади.

4.2. Мазкур обьект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиқлангандан кейин молиялаштириш манбаи аниқланиб, маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Куйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармагандан мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун курилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлиди.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбериятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирилган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи
хизмат инжиниеринг компанияси»
Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5
тел. 223-63-23, 223-63-26
Х/р : 100021860064017096521075D89
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100
Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси
Х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИНН 201122919

Компания раҳбари Жалиев Ф.Б.
(мухр, имзо) _____
Хукуқшунос: Сойбов Д.
Лицензия ЮК № 006116
Ш.Б.: Хайитов Р.

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Бухорожамоалойиха» МЧЖ
Манзил: Бухоро шаҳар,
Афросиёб кўчаси, 303-үй
Тел.221-36-30, 90-611-07-58
Х/с 20208000304537536001
Банк номи: АТБ ”Савдогарбанк”
Бухоро шаҳри
МФО 00112 ИНН 206776204
ОКЭД 66000

Директор З.А. Исаев
(мухр, имзо)
Хукуқшунос: _____

2022 йил 16 марта
№10828-сонли шартномага
1-илова

Бажариладиган ишларнинг календар
РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
Бухоро вилояти Коракул туман “Козон” МФЙдаги 19-сонли мактабни реконструкция килиш” объекти бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.	16.03.2022й	03.04.2022й

«БУЮРТМАЧИ»



Бухоро вилояти хокимлиги Ягона буюртмачи
хизмат инжиниринг компанияси

Ф.Жаллиев

«ИШ БАЖАРУВЧИ»



«Бухорожамоалойиха» МЧЖ

З.А. Исаев

2022 йил 16 марта
№10828-сонли шартномага 2-илова

Шартнома баҳосининг келишув
БАЁННОМАСИ

Биз қўйида имзо қўювчилар: Бухоро вилояти Коракул туман “Козон” МФЙдаги 19-сонли мактабни реконструкция килиш” обьекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 16 марта №10828 сонли шартнома баҳосини қўшимча қиймат солиги билан 159610570 (Бир юз эллик туккиз миллион олти юз ун минг беш юз етмиши) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи
хизмат инжиниринг компанияси

Ф.Жаллиев



«ИШ БАЖАРУВЧИ»



«Бухорожамоалойиха» МЧЖ

З.А. Исаев

2022 йил 16 марта
№10828-сонли шартномага З-илова

ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиҳа ишларининг номи: Бухоро вилояти Бухоро вилояти Коракул туман “Козон” МФЙдаги 19-сонли мактабни реконструкция килиш” обьекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: “Бухорожамоалойиҳа” МЧЖ

Ишлар номи №	Меъёрий норматив асослари (обоснование)	Кулланилган коэффициентлар	Хисоб-китоблар	Жорий нархлардаги киймати, сум
Ишчи лойиҳа-смета хужжатларини тайерлаш II- категория	Лойиҳа тадқикот ишларининг кийматини аниклаш тартиби тугрисидаги низомни тасдиқлаш тугрисидаги 3180сонли, 2019йил 9 сентябр, 396-сонли, 2019йил 18 августдаги Узбекистон Республикаси курилиш вазирининг буйргуи асосида киймати аникланади	Объектнинг мураккаблик тоифаси классификаторга асосан 2 даражали Курилиш объектнинг нархи ККСолиги билан 7122000000сум, ККСиз 6193043478,26сум L=6193043478,26: 822000 =7534карра 3-ловага асосан, мураккаблик даражасига инобатга олиб 4,4%га пасайтирувчи купайтириб 2,2411% кабул киламиз	6193043478,26x0,022411 =	138792297,38сум
Жами:				138792297,38сум
ККС-15%			138792297,38x0,15=	20818844,6сум
Хаммаси				159610570сум
Хаммаси: 159610570 (Бир юз эллик туккиз миллион олти юз ун минг беш юз етмиши) сум ККС билан				

«Бухорожамоалойиҳа» МЧЖ
лоийиҳа бош мухандис:



Б.З. Шакиров